

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАЛ СЕКТОРГА АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Аюбжонов Жаҳонгир Баҳодир ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси

Аннотация: Мазкур диссертация ишида Ўзбекистон тиҷорат банклари кредитларининг иқтисодий ўсишга ҳамда аҳоли банклигига таъсири ўрганилган. Илмий ишда юқоридаги масалалар мамлакатимиз мисолида амалга оширилиши билан бир вақтда Жиззах вилояти мисолида ҳам таҳлил қилинган. Таҳлил 2016-2022 йиллардаги республика ва Жиззах вилоят миқёсидаги статистик маълумотлар олинган.

Кредитларнинг асосий вазифаларидан бири бу мамлакатда ишлаб чиқаришни ошириши, ишсизликни камайтириши ва провардида аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатdir. Таҳлил натижаларига кўра, кўрилган даврда тиҷорат банклари кредитлари ҳажми кескин ошган. Бу ошиш номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам ошган. Шу билан бирга кредитлар ошиши билан ЯИМ ошиши ортасидаги тавофут кенгайиб борган. Ушбу икки кўрсаткич ўртасидаги тавофут реал кўрсаткичларда ҳисобланган. Бу билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кредитларнинг ошиши реал ЯИМ ошишига таъсири суст бўлган. Демак, кредитлар реал ЯИМ ошишига таъсири суст экан, ушбу кредитлар инфляция даражасини оширишга хизмат қиласди.

Калит сўзлар: инфляция, ЯИМ, фоиз ставка, кредит, реал сектор, SVAR модел.

КИРИШ

Мазкур илмий ишда Ўзбекистон тиҷорат банклари кредитларининг иқтисодий ўсишга ҳамда аҳоли банклигига таъсири ўрганилган. Илмий ишда юқоридаги масалалар мамлакатимиз мисолида амалга оширилиши билан бир вақтда Жиззах вилояти мисолида ҳам таҳлил қилинган. Таҳлил 2016-2022 йиллардаги республика ва Жиззах вилоят миқёсидаги статистик маълумотлар олинган.

Кредитларнинг асосий вазифаларидан бири бу мамлакатда ишлаб чиқаришни ошириши, ишсизликни камайтириши ва провардида аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатdir. Таҳлил натижаларига кўра, кўрилган даврда тиҷорат банклари кредитлари ҳажми кескин ошган. Бу ошиш номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам ошган. Шу билан бирга кредитлар ошиши билан ЯИМ ошиши ортасидаги тавофут кенгайиб борган. Ушбу икки кўрсаткич ўртасидаги тавофут реал кўрсаткичларда ҳисобланган. Бу билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кредитларнинг ошиши реал ЯИМ ошишига таъсири суст бўлган. Демак, кредитлар реал ЯИМ ошишига таъсири суст экан, ушбу кредитлар инфляция даражасини оширишга хизмат қиласди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ушбу илмий ишимизда қүйидаги саволни олдимизга қўямиз. Яъни, кредитлар ҳажми қанчалик ЯИМ ўсишига ёрдам бермоқда. Шу билан бирга кредитлар ҳажмининг инфляция даражасига таъсири қанчалик бўлмоқда. Юқоридаги саволларга жавоб бериш учун биз SVAR моделдан фойдаланамиз.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Тижорат банклари кредитларининг фоизи, банк кредитлари портфелини оптималь бошқариш, ҳамда кредитларнинг иқтисодий ўсишга қанчалик туртки бермоқда, бу борада илмий ишлар талайгина. Уларнинг айримлари билан яқиндан танишиб чиқамиз.

C.Hellwig, A.Mukherji ва A.Tsyvinski тадқиқотларида маҳаллик ва хорижий инвесторларнинг мамлакат ички бозоридаги девальвация ва фоиз ставкаларга кутилмаларини ўрганишган. Хусусан, мамлакатда девальвация активлар учун юқори фоиз ставка қўлланганда ёки Марказий банк валюта захираси камайганда вужудга келиши аниқланган. Шунингдек, ҳалқаро бозорда валюталарга қилинган хужум ҳам ривожланаётган давлатларда миллий валюта девальвацияга олиб келиши исботланган. Таҳлил натижаларига кўра, фақатгина ички активлар таклифининг фоиз ставкаларга эластиклиги юқори бўлса, ҳалқаро бозорлардаги валюталарга бўлган хужумлар маҳаллий бозорларда миллий валюталар девальвациясига сезиларсиз таҳсир қилиши асосланган.

G.Bertola ҳамда L.Svensson илмий ишларида валюта курслари динамикасининг барқарор ва реал ночизиқли моделини таклиф қилган. Шунингдек, валюта курси прогнозлари реал ҳаётнинг мақсадли зоналарида валюта курси ва фоиз дифференциал хатти-ҳаракатлари бўйича мавжуд эмпирик далилларга мос келишини таъкидлайди. Уларнинг моделларида айирбошлиш курси турли тасодифий вақт оралиғида берилган чегаралар доирасида тебраниб турди ва девальвациялар содир бўлганда дискрет равишда частотаси катта сакраб кетади. Улар девальвациялар эҳтимоли ва ҳажмида стохастик ўзгарувчанликка рухсат беради ва улар валюта курси ва кутилаётган девальвация тезлиги билан кузатилган стохастик жараёнлар учун аниқ ечимларни тақдим этган. Ушбу модел валюта курслари ва фоиз ставкалари фарқлари ўртасидаги ковариациянинг реал моделларини ишлаб чиқаради ва мавжуд эмпирик далилларнинг қизиқарли талқинларини тақдим этади. Шунингдек, улар томондан ишлаб чиқилган ночизиқли модел мақсадли зона маълумотларидан девальвация хавфини қандай аниқлашни кўрсатади.

Россиялик иқтисодчи Е.Раздроков тижорат банклари ссуда капитали фоизининг табиати ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган. Унинг фикрича, банк кредитлари фоизи нарх хусусиятларига мос ҳолда хисоб, рағбатлантирувчи, тақсимловчи ва мувофиқлаштирувчи функцияларни бажариши керак. Шунингдек, банк кредитлари фоизига марказий банк қайтамолия фоизи ҳамда ушбу кредитларни ажратиш билан боғлиқ харажатлар таъсир кўрсатишни таъкидлаган. Бизнинг

фикрилизча, тижорат банклари кредитларининг фоизи унга кетган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган фоиздан четлашиши мумкин. Бунга муомаладаги пул массаси, иқтисодиётдаги тебранишлар ҳамда миллий валюта курсидаги тебранишлар сабба бўлиши мумкин.

C.Onyia ва E.Aniekwe томонидан Нигерия давлати мисолида миллий валюта курси ўзгаришининг реал ЯИМ ва пул бозоридаги фоиз ставкага таъсири ўрганилган. Эконометрик таҳлил Нигерия давлатининг 1986-2018 йиллар оралиғидаги статистик маълумотлар асосида олиб борилган бўлиб, олинган натижаларга кўра, миллий валютанинг 1 фоизга девальвация бўлиши реал ЯИМни -0.24 фоизга пасайтириши аниқланган. Ушбу эконометрик таҳлилнинг эҳтимоллиги 0,0124 бўлиб, бу олинган натижанинг ишончлилигини беради. Шунингдек, таҳлил натижаларига кўра, миллий валюта девальвацияси пул бозоридаги фоиз ставкага таъсири сезиларсиз эканлиги аниқланган. Уларнинг фикрига кўра Нигерия давлати импортга ихтисослашган давлат бўлганлиги учун миллий валюта девальвациясидаги кичик бир тебраниш ҳам ички иқтисодиётда ялпи талабни пасайтириб юборади.

F.Ferrante ҳамда N.Gornemann илмий тадқиқотларида кичик очиқ иқтисодиётда леверажи чекланган банклар мисолида гетероген (*heterogeneous*) уй хўжаликлари модели орқали миллий валюта девальвациясининг умумий ва қайта тақсимлаш таъсирини ўрганган. Уларнинг таҳлиллари учта фаразга суюнган. Булар, биринчидан банклар ва корхоналар хорижий валютада қарз оладилар, иккинчидан, аҳоли маҳаллий банкларга долларда депозит жойлаштирадилар, ва учинчидан, ушбу депозитлар аҳолининг бой қатлами томонидан жойлаштирилади. Таҳлил натижаларига кўра, пайдо бўлган валюта номутаносиблиги девальвация даврида банкларнинг соф қийматини пасайтиради ва уларни кредит таклифини камайтиришга мажбур қиласди. Келгуси макроиқтисодий таназзул қарз олиш харажатларининг ошиши ва меҳнат даромадларининг пасайишига жавобан камбағал уй хўжаликлари ўртасида истеъмолнинг кескин қисқариши билан кучаяди. Бойроқ уй хўжаликлари қисман суғурталанган, чунки улар ўз бойликларининг катта қисмини хорижий валютадаги активларда ушлаб турадилар. Улар бойроқ уй хўжаликлари томонидан катта миқдордаги валютани хеджирлаши иқтисодий рецессияни чуқурлаштиришини ва камбағал қатламлар учун салбий таъсирларни кучайтиришини кўрсатган. Хулоса сифатида депозит доллариизацияси юқори бўлган давлатларда, марказий банклар монетар сиёсатида миллий валюта девальвациясини сусайтирса, фаровонлик ошиши мумкинлигини келтиради.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг иқтисодий ўсишга таъсири боҳолашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика қўмитасининг 2013-2022 йиллардаги Жиззах вилояти мисолида расмий чораклик статистик маълумотларидан фойдаланилди. Таҳлилда кредитлар ҳажми, ЯИМ ҳажми 2013 йил 1 чоракдаги инфляция даражасига нисбатан реал кўрсаткичга ўтказилди. Шунингдек, ЯИМ кўрсаткичи мавзумий характерга эга эканлиги аниқланди ва мавсумийликни йўқотиш учун Hodrick Prescott filter фойдаланилди.

Ушбу статистик маълумотлардан ёрдамида ҳолда тижорат банклар кредитлари ҳажми ўзгаришининг (InCreditt), чораклик инфляция даражасига (CPIt), чораклик ЯИМ ҳажмининг ўзгаришига (InGDPt) таъсири баҳоланди. Кўрсаткичларнинг ҳажмини кичрайтириш учун уларни натурал логорифмлаб юбордик.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ


Тижорат банклари кредитлари охирги йилларда кескин ошиб кетди. Кредитлар ошиши иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишидан ҳам юқори бўлган. Таҳлилда дастлаб умумий мамлакатимиздаги ҳолатни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб билдик.



1-расм. Ўзбекистонда кредитлар ва ЯИМ ҳажмининг ўзгариш динамикаси .

Статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда охирги йилларда ЯИМ ўсиши тезлашган. Хусусан, 2016 йилда ЯИМ ҳажми 255,4 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 888,3 трлн.сўмни ташкил этган. Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ҳажми ҳам сезиларли даражада ошган. Хусусан, 2016 йилда реал секторга ажратилган кредитлар ҳажми 28,2 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 313,8 трлн.сўмни ташкил этган. Кредитларларнинг ЯИМга нисбатан салмоғини кўрадиган бўлсак, унда 2016 йилда реал секторга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 11 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 35 фоизга чиқсан.

Кредитлар ошиши иқтисодий ўсишга таъсири қиёсий баҳолашда ушбу икки кўрсаткичнинг ўсиш даражасини таҳлил қилиш лозим. Илмий ишимизнинг қолган қисмини мамлакатимиз вилояти, яъни Жиззах вилоят мисолида олиб борамиз.




2-расм. Ўзбекистонда кредитлар ва ЯИМ ҳажмининг ўсиши ва улар ўртасидаги фарқ

Таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкинки, 2016 йилга нисбатан кредитлар ошиши ЯИМ ошишидан анча катта бўлган. Яъни олдимиизга қўйган фарамиз бўйича кредитлар ошиши ЯИМни ҳам ошириши лозим. Акс ҳолда ушбу кредитлар ошиши инфляциянинг ошишига олиб келади. Чунки, кредитлар бу иқтисодиётда қўшимча ялпи талабни вужудга келтиради. Ялпи талабнинг ошиши реал ишлаб чиқаришни ошириш орқали ёки нарх даражасининг ошиши орқали қопланади. Жиззах вилояти мисолида кўришимиз мумкинки, статистик маълумотларга кўра кредитлар кўпроқ инфляция даражасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу боғлиқликни текшириш, ҳамда ишончли натижалар олиб учун таҳлилимизнинг кейинги босқичида ушбу учта кўрсаткич ўртасида эконометрик таҳлил олиб борамиз. Ушбу эконометрик таҳлил бизга аниқ хуносалар шакллантиришга ёрдам беради.

Эконометрик таҳлилнинг бошида, статистик маълумотларнинг мавсумийлик характерини текширамиз. Статистик маълумотлар текширилганда аниқ бўлдики, Жиззах вилоятида ЯИМ мавсумийлик характеристига эга экан. Мавсумийлик характеристи Hodrick Prescott filter тести орқали йўқотилди ва натижаси қўйидагича бўлди.



-расм. ЯИМдан мавсумийлик характерини йўқотиш

Тижорат банкларининг реал секторга ажратган кредитлари ҳажми ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири борасида SVAR моделини шакллантириш ва ушбу модел ёрдамида олиб бориладиган таҳлилнинг дастлабки босқичида танланган кўрсаткичларнинг тасвирий статистикасини амалга оширамиз лозим.

1-жадвал

Кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси

	CPI	LNCREDIT	LNGDP
Mean	2.421954	0.089426	0.040452
Median	2.315000	0.089719	0.031174
Maximum	7.560000	0.222388	0.156261
Minimum	-0.389864	-0.023955	-0.012897
Std. Dev.	1.721756	0.055548	0.037723
Skewness	0.596288	0.255946	1.197702
Kurtosis	3.502844	2.873944	4.284347
Jarque-Bera	2.931407	0.486367	12.92813
Probability	0.230915	0.784128	0.001558
Sum	101.7221	3.755908	1.699002
Sum Sq. Dev.	121.5421	0.126509	0.058344
Observations	42	42	42

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, реал секторга ажратилган кредитларнинг стандарт дисперцияси 0,05 га teng бўлиб, кўрилаётган давр оралиғида -0,02 фоиздан 0,22 фоизгача тебранган. ЯИМ ҳажмининг ўзгариши стандарт дисперцияси 0,04 фоизга teng бўлиб, бу кўрсаткич максимум 0,16 фоизга кўтарилиган ва минимум -0,01 фоизга тушган. Иқтисодиётдаги инфляция даражасининг чораклик ўзгариши 7,56 фоиздан -0,39 фоизгача бўлиб, стандарт дисперцияси 1,72 фоизга teng бўлган.

Таҳлилиминг навбатдаги босқичида кўрсаткичларнинг корреляция матрицасини аниқлаймиз.

2-жадвал

Кўрсаткичларнинг корреляция матрицаси

	CPI	LNCREDIT	LNGDP
CPI	1		
LNCREDIT	-0.088	1	
LNGDP	-0.688	0.0615	1

Жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсақ, тижорат банкларининг реал секторга ажратган кредитлари ҳажмининг ўзгариши билан ЯИМ ўртасидаги корреляция 0,06 ни ташкил қилган. Яъни ушбу икки кўрсаткич ўртасида корреляцион боғлиқлик жуда суст бўлмоқда. Шунингдек, иқтисодиётдаги инфляция даражаси ҳам ЯИМ ўсишига салбий таъсир қилмоқда ва улар ўртасидаги корреляция -0,69 ни ташкил қилмоқда. Бу билан айтишимиз мумкинки, инфляциянинг ошиши ялпи талабнинг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Қўйида ушбу бешта танланган кўрсаткичлар асосида Augmented Dickey-Fuller Test ўтказамиз. Ушбу Augmented Dickey-Fuller Test модели орқали кўрсаткичларни бирлик илдизга текшиrimiz ва ушбу кўрсаткичлар стационар ёки ностационар эканлиги юзасидан хулоса қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

3-жадвал

Augmented Dickey-Fuller Test натижаси

	Кўрсаткичлар	t-Statistic	Probability	Хулоса
1	CPI	-3.558709	0.0208	I(0)
2	LNCREDIT	-4.796166	0.0004	I(0)
3	LNGDP	-3.775909	0.0464	I(0)

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, танланган кўрсаткичларнинг барчasi стационар ҳолатда ва бу эса ушбу кўрсаткичлар асосида SVAR моделидан фойдаланишимиз мумкин эканлигига асос бўлади.

Таҳлилимининг кейинги босқичида SVAR модели учун оптимал “лаг”ни танлаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

4-жадвал

VECM модели учун оптимал “лаг” танлаш (Lag Length Criteria) усули

VAR Lag Order Selection Criteria
 Endogenous variables: LNCREDIT LNGDP LNCPI
 Exogenous variables: C
 Date: 11/02/23 Time: 05:55
 Sample: 2013Q1 2023Q3
 Included observations: 40
 *Note: selection calculation does not impose restricted VAR coefficient restrictions

Lag	LogL**	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	266.1396	NA	3.88e-10	-13.15698	-13.03032	-13.11118
1	387.9260	219.2155	1.38e-12	-18.79630	-18.28964	-18.61311
2	543.2037	256.2082*	9.29e-16*	-26.11019*	-25.22352*	-25.78960*

* indicates lag order selected by the criterion
 LR: sequential modified LR test statistic (each test at 5% level)
 FPE: Final prediction error
 AIC: Akaike information criterion
 SC: Schwarz information criterion
 HQ: Hannan-Quinn information criterion

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнинг моделимиз учун оптимал “лаг”лар сони Final Prediction Error (FPE), Akaike Information Criterion (AIC), Schwarz Information Criterion (SC) ва Hannan-Quinn Information Criterion (HQ) тестлари тестлари асосида 2 тани ташкил этмоқда. Демак, биз ўз таҳлилларимизда оптимал “лаг”лар сонини 2 деб қабул қилишимиз мумкин.

Кўрсаткичлар SVAR модели орқали “лаг”лар сони 2 деб қабул қилинган ҳолда таҳлил қилинганда олинган натижалар қўйидагича.

5-жадвал

Танланган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи SVAR модели натижаси.

VAR Lag Order Selection Criteria
 Endogenous variables: LNCREDIT LNGDP LNCPI
 Exogenous variables: C
 Date: 11/02/23 Time: 05:55
 Sample: 2013Q1 2023Q3
 Included observations: 40
 *Note: selection calculation does not impose restricted VAR coefficient restrictions

Lag	LogL**	LR	FPE	AIC	SC	HQ
0	266.1396	NA	3.88e-10	-13.15698	-13.03032	-13.11118
1	387.9260	219.2155	1.38e-12	-18.79630	-18.28964	-18.61311
2	543.2037	256.2082*	9.29e-16*	-26.11019*	-25.22352*	-25.78960*

* indicates lag order selected by the criterion
 LR: sequential modified LR test statistic (each test at 5% level)
 FPE: Final prediction error
 AIC: Akaike information criterion
 SC: Schwarz information criterion
 HQ: Hannan-Quinn information criterion

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнинг моделимиз учун оптимал “лаг”лар сони Final Prediction Error (FPE), Akaike Information Criterion (AIC), Schwarz Information Criterion (SC) ва Hannan-Quinn Information Criterion (HQ) тестлари тестлари асосида 2 тани ташкил этмоқда. Демак, биз ўз таҳлилларимизда оптимал “лаг”лар сонини 2 деб қабул қилишимиз мумкин.

Күрсаткичлар SVAR модели орқали “лаг”лар сони 2 деб қабул қилинган ҳолда таҳлил қилинганда олинган натижалар қуидагича.

5-жадвал Танланган күрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи SVAR модели натижаси.

Vector Autoregression Estimates (with restrictions)
 Date: 11/02/23 Time: 05:55
 Sample (adjusted): 2013Q4 2023Q3
 Included observations: 40 after adjustments
 Restrictions: @VEC(L1) = "0, NA, NA, 0, NA, NA, 0, NA, NA", @VEC(L2) =
 "0, NA, NA, 0, NA, NA, 0, NA, NA"
 Iterated GLS convergence achieved after 31 iterations
 Standard errors in () & t-statistics in []

	LNCREDIT	LNGDP	LNCPI
LNCREDIT [Область диаграммы]	0.000000 ---	0.022986 (0.03550) [0.64742]	-0.023500 (0.03548) [-0.66236]
LNCREDIT(-2)	0.000000 ---	-0.199049 (0.03349) [-5.94303]	0.199256 (0.03347) [5.95341]
LNGDP(-1)	0.000000 ---	3.524118 (0.93670) [3.76228]	-1.802356 (0.93603) [-1.92553]
LNGDP(-2)	0.000000 ---	-2.063907 (0.79590) [-2.59318]	1.340104 (0.79533) [1.68496]
LNCPI(-1)	0.000000 ---	3.571796 (0.93714) [3.81137]	-1.849911 (0.93648) [-1.97539]
LNCPI(-2)	0.000000 ---	-1.596960 (0.78932) [-2.02321]	0.874320 (0.78876) [1.10848]
C	0.087361 (0.00873) [10.0072]	-9.140585 (1.03107) [-8.86516]	9.143846 (1.03034) [8.87461]
R-squared	0.000000	0.871180	0.590156
Sum sq. resids	0.121934	0.004302	0.004297
Mean dependent	0.087361	0.035014	4.630032
S.D. dependent	0.055915	0.029264	0.016396
Determinant resid covariance		1.65E-15	
Log likelihood		522.0887	
Akaike information criterion		-25.35443	
Schwarz criterion		-24.72110	
Number of coefficients		15	
Number of restrictions		6	

Модел натижаларидан кўришимиз мумкинки, Жиззах вилоятида кредитларнинг ЯИМга таъсири статистик аҳамиятга эга бўлмаяпди. Яъни реал секторга ажратилган кредитларнинг ишлаб чиқаришни оширишдаги хиссаси жуда паст бўлмоқда. Аксинча банк кредитларининг ошиши иқтисодиётда инфляцион жараёнларнинг ошишига олиб келмоқда. Ушбу таъсирини қуидагича тушунтирамиз.

Иқтисодиётда кредитларнинг ЯИМни оширишида кўплаб омиллар сабаб бўлади. Яъни фақатгина кредитлар иқтисодий ўсишга олиб келмайди. Авваламбор кредитлар реал ишлаб чиқаришни ошириши учун иқтисодиётда инфратузилма етарлича ривожланган бўлиши лозим. Афсуски, вилоятларимизда инфратузилма етарлича такомиллашгани йўқ.

Статистик маълумотлардан эмпирик таҳлиллар олиб бордик, ва бунга аниқроқ тўхталиб ўтамиз. Хусусан, тижорат банклари реал секторга ажратган кредитларининг бир фоизга ошиши икки ойлик лаг билан иқтисодиётда инфляция даражасини 0,2 фоизга ошириши аниқланди. Шунингдек, иқтисодиётда инфляция даражасини бир фоизга ошиши икки ойлик лаг билан ЯИМни -1,6 фоизга пасайтириши ҳам аниқланди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Жиззах вилоятида кредитларнинг ЯИМга таъсири статистик аҳамиятга эга бўлмаяпди. Яъни реал секторга ажратилган кредитларнинг ишлаб чиқаришни оширишдаги хиссаси жуда паст бўлмоқда. Аксинча банк кредитларининг ошиши иқтисодиётда инфляцион жараёнларнинг ошишига олиб келмоқда. Ушбу таъсирини қўйидагича тушунтирамиз.

Иқтисодиётда кредитларнинг ЯИМни оширишида кўплаб омиллар сабаб бўлади. Яъни фақатгина кредитлар иқтисодий ўсишга олиб келмайди. Авваламбор кредитлар реал ишлаб чиқаришни ошириши учун иқтисодиётда инфратузилма етарлича ривожланган бўлиши лозим. Афсуски, вилоятларимизда инфратузилма етарлича такомиллашгани йўқ.

Тижорат банкларининг реал секторга ажратадиган кредитларининг иқтисоди ўсишга таъсири ижобий бўлиши учун қўйидаги таклифларни олға сурамиз:

- Тижорат банклари кредитлари соф бозор иқтисодиётни тамойиллари асосида тақсимланиши мақсадга мувофиқ;
- Тижорат банклари мулкчилик шаклига кўра давлат улушини пасайтириш ва банклар ўртасида рақобатни кучайтириш лозим;
- Инфляцияни кучайтиришга сабаб бўлаётган бирламчи товарлар нархларини қаттиқ назоратга олиш лозим;
- Вилоятларимизда инфратузилма (газ, электр энергия таъминоти, йўл қурилиши ва бошқ.) ҳолатини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари кредитларининг реал секторга ажратилиши иқтисодий ўсишни таъминлаши юқоридаги таклиф ва мунозарали ҳолатларга боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Bertola, G., & Svensson, L. E. (1993). Stochastic devaluation risk and the empirical fit of target-zone models. *The Review of Economic Studies*, 60(3), 689-712.
2. Ferrante, F. & Gornemann, N. (2022). Devaluations, Deposit Dollarization, and Household Heterogeneity. *International Finance Discussion Paper*, (1336). Washington: Board of Governors of the Federal Reserve System.
3. Hellwig, C., Mukherji, A., & Tsvyanski, A. (2006). Self-fulfilling currency crises: The role of interest rates. *American Economic Review*, 96(5), 1769-1787.

4. Mundell, R. A. (1963). Capital mobility and stabilization policy under fixed and flexible exchange rates. Canadian Journal of Economics and Political Science/Revue canadienne de économiques et science politique, 29(4), 475-485.
5. Mousa, N. Y. A. (2010). Monetary policy and the role of exchange rate: the case of Jordan (Doctoral dissertation, University of Birmingham).
6. Onyia, C. C., & Aniekwe, E. O. (2022). Responsiveness of Macroeconomic Variables to Currency Devaluation in Nigeria.
7. Раздроков, Е. Н. (2008). Сущность и классификация ссудного процента. Актуальные вопросы экономических наук, (3-2), 69-73.